

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ 48—50-сон
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ (236—238)
ТЎПЛАМИ 2006 й.
ноябрь-
декабрь

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

+

-

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

472. «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 6 декабрдаги ўРҚ–65-сон Қонуни
473. «Ўзбекистон Республикасининг Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти аъзолигига тикланиши ҳақидаги Боённомани (Сочи, 2006 йил 16 август) ратификация қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 12 декабрдаги ўРҚ–66-сон Қонуни
474. «Умумжаҳон почта иттифоқи Уставига тааллуқли Еттинчи қўшича баённомани (Бухарест, 2004 йил 5 октябрь) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 13 декабрдаги ўРҚ–67-сон Қонуни
475. «Ўзбекистон Республикасининг Халқаро электр алоқаси иттифоқининг Ваколатли конференцияси (Киото, 1994 йил) ва Ваколатли конференцияси (Миннеаполис, 1998 йил) томонидан тузатилган Уставига (Женева, 1992 йил) Ваколатли конференцияси (Марокаш, 2002 йил) томонидан қабул қилинган Ту-

затиш ҳужжатига қўшилиши тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 14 декабрдаги ЎРҚ–68-сон Қонуни

476. «Ўзбекистон Республикасининг Халқаро электр алоқаси иттифоқининг Ваколатли конференцияси (Киото, 1994 йил) ва Ваколатли конференцияси (Миннеаполис, 1998 йил) томонидан тузатилган Конвенциясига (Женева, 1992 йил) Ваколатли конференцияси (Марокаш, 2002 йил) томонидан қабул қилинган Тузатиш ҳужжатига қўшилиши тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 14 декабрдаги ЎРҚ–69-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

477. «Черногория Республикасини тан олиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 30 ноябрдаги ПҚ–517-сон қарори
478. «Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 4 декабрдаги ПҚ–523-сон қарори
479. «Ўрта бўғин тиббиёт ходимларининг касбий савияси ва малакасини оширишни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 6 декабрдаги ПҚ–524-сон қарори
480. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2005 йил 27 декабрдаги ПҚ–244-сонли қарорини қисман ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 13 декабрдаги ПҚ–528-сон қарори

Учинчи бўлим

481. «Вазирлар Маҳкамасининг «Махсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида» 2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 25 ноябрдаги 244-сон қарори
482. «Хорижий автомобилда юк ташувчилар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракатланиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 28 ноябрдаги 245-сон қарори
483. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида» 2006 йил 11 октябрдаги ЎРҚ–60-сон Қонуни)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 ноябрдаги 246-сон қарори
484. «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Идоралараро экспертлар кенгаши томонидан енгил саноат корхоналарини қуриш, қайта ихтисослаштириш ва модернизация қилиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш

хақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 1 декабрдаги 247-сон қарори

485. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб эътироф этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 4 декабрдаги 249-сон қарори
486. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 25 октябрдаги ПҚ-499-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 4 декабрдаги 250-сон қарори
487. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «В.П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасини акционерлик жамиятига айлантириш тўғрисида» 1996 йил 18 апрелдаги 156-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «В.П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкилий тузилмасини такомиллаштириш ва молиявий-иқтисодий жиҳатдан соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 30 октябрдаги ПҚ-500-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 4 декабрдаги 251-сон қарори
488. «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ирригация ва дренаж миллий қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 12 декабрдаги 256-сон қарори
489. «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳузуридаги Идоравий метрологик назорат хизматини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 14 декабрдаги 259-сон қарори

Бешинчи бўлим

490. «Самарқанд вилояти маҳаллий бюджетининг ғазна ижроси ҳисоби тўғрисидаги Вақтинчалик қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2006 йил 14 ноябрдаги 97, 279-В-1-сон қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 25 ноябрда 1599-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)
491. «Муддатида тўланмаган солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловларни қарздор қорхона ва ташкилотлар мол-мулки ҳисобидан ундириб олиш тўғрисидаги хўжалик судлари қарорларини ижро этиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақидаги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий Хўжалик суди, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк Бошқарувининг 2006 йил 28 ноябрдаги 31, СП-01/755, 98, 2006-50, 230-В-1-сон қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 28 ноябрда 1250-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)

492. «Баҳоловчиларни танлаш бўйича танлов ўтказиш ва ижро ҳаракатларини амалга оширишда суд ижрочилари томонидан хатланган мол-мулкни баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси, Адлия вазирлигининг 2006 йил 28 ноябрдаги 01/19-40, 05-20-247-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 28 ноябрда 1643-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
493. «Алкоголли маҳсулотлар қўйиш линияларини ҳисобга олиш ва фойдаланишнинг ягона реестрини юритиш бўйича низомни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 27 ноябрдаги 2006-51-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 30 ноябрда 1644-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
494. «Вазирликлар, идоралар, муассасалар, корхоналар ва ташкилотларда темир йўл транспорти соҳасида фаолият олиб борувчи ходимларнинг темир йўллардан техник фойдаланиш қоидалари ҳамда йўриқномаларни билишини комиссия тузиб текширишни амалга ошириш бўйича низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2006 йил 30 октябрдаги 51-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 30 ноябрда 1645-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
495. «Депозитар ҳисоб ва ҳисоботнинг ягона қоидалари (стандартлари)га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2006 йил 27 октябрдаги 2006-11-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 6 декабрда 844-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
496. «Ўзбекистон Республикаси фуқаролик авиациясининг авиация ходимларини тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомга (ЎзР АҚ 67) ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2006 йил 27 октябрдаги 118-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 6 декабрда 1186-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
497. «Тижорат банклари томонидан банк карточкалари чиқариш ва уларни Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 17 ноябрдаги 28/5-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 13 декабрда 1344-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2006 йил 25 ноябрдан 15 декабргача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

472 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида*Қонунчилик палатаси томонидан
2006 йил 29 ноябрда қабул қилинганСенат томонидан 2006 йил 1 декабрда
маъқулланган

1-модда. 25 октябрь Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари кунини эътиборга олиб белгилансин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

+

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

-

Тошкент ш.,
2006 йил 6 декабрь,
ЎРҚ-65-сон

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2006 йил 7 декабрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

473 Ўзбекистон Республикасининг Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти аъзолигига тикланиши ҳақидаги Баённомани (Сочи, 2006 йил 16 август) ратификация қилиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2006 йил 21 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 1 декабрда
маъқулланган

Ўзбекистон Республикасининг Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти аъзолигига тикланиши ҳақидаги Баённома (Сочи, 2006 йил 16 август) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 12 декабрь,
ЎРҚ-66-сон

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2006 йил 13 декабрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

474 Умумжаҳон почта иттифоқи Уставига тааллуқли Еттинчи қўшимча баённомани (Бухарест, 2004 йил 5 октябрь) ратификация қилиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2006 йил 12 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 1 декабрда
маъқулланган

Умумжаҳон почта иттифоқи Уставига тааллуқли Еттинчи қўшимча баённома (Бухарест, 2004 йил 5 октябрь) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 13 декабрь,
ЎРҚ-67-сон

+

-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

475 Ўзбекистон Республикасининг Халқаро электр алоқаси иттифоқининг Ваколатли конференцияси (Киото, 1994 йил) ва Ваколатли конференцияси (Миннеаполис, 1998 йил) томонидан тузатилган Уставига (Женева, 1992 йил) Ваколатли конференцияси (Марокаш, 2002 йил) томонидан қабул қилинган Тузатиш ҳужжатига қўшилиши тўғрисида**

Қонунчилик палатаси томонидан
2006 йил 12 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 1 декабрда
маъқулланган

Халқаро электр алоқаси иттифоқининг Ваколатли конференцияси (Киото, 1994 йил) ва Ваколатли конференцияси (Миннеаполис, 1998 йил) томонидан туза-

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2006 йил 14 декабрда эълон қилинган.

** Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2006 йил 15 декабрда эълон қилинган.

тилган Уставига (Женева, 1992 йил) Ваколатли конференцияси (Марокаш, 2002 йил) томонидан қабул қилинган Тузатиш ҳужжатиغا қўшилисин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 14 декабрь,
ЎРҚ-68-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

476 Ўзбекистон Республикасининг Халқаро электр алоқаси иттифоқининг Ваколатли конференцияси (Киото, 1994 йил) ва Ваколатли конференцияси (Миннеаполис, 1998 йил) томонидан тузатилган Конвенциясига (Женева, 1992 йил) Ваколатли конференцияси (Марокаш, 2002 йил) томонидан қабул қилинган Тузатиш ҳужжатиغا қўшилиши тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2006 йил 12 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 1 декабрда
маъқулланган

Халқаро электр алоқаси иттифоқининг Ваколатли конференцияси (Киото, 1994 йил) ва Ваколатли конференцияси (Миннеаполис, 1998 йил) томонидан тузатилган Конвенциясига (Женева, 1992 йил) Ваколатли конференцияси (Марокаш, 2002 йил) томонидан қабул қилинган Тузатиш ҳужжатиغا қўшилисин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 14 декабрь,
ЎРҚ-69-сон

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2006 йил 15 декабрда эълон қилинган.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

477 Черногория Республикасини тан олиш тўғрисида

2006 йил 21 майда Черногория Республикасида бўлиб ўтган референдум яқунлари бўйича мазкур Республика парламенти 2006 йил 3 июнда Черногория Республикаси мустақиллиги тўғрисидаги Қарор ва мустақил Черногория Республикаси Декларациясини қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10-моддаси ва 93-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига мувофиқ:

1. Черногория Республикаси алоҳида, суверен ва мустақил давлат сифатида тан олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Черногория Республикаси билан дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисида музокаралар ўтказсин ва эришилган ахдлашувларни тегишли хужжатлар билан расмийлаштирсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 30 ноябрь,
ПҚ-517-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

478 Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида

«Халқаро шартномалар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20-моддасига мувофиқ:

1. 2006 йилнинг 4 сентябрида Остона шаҳрида (Қозоғистон Республикаси) имзоланган қуйидаги халқаро шартномалар:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ҳамда Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ўртасида махфий ахборотларни ўзаро муҳофаза қилиш тўғрисидаги Битим;

2001 йилнинг 16 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ҳамда Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ўртасида Ўзбекистон—Қозоғистон давлат чегараси орқали ўтиш пунктлари тўғрисидаги Битим Протоколи тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги (В. Норов) мазкур қарорда қайд этиб ўтилган халқаро шартномалар кучга кириши учун Ўзбекистон Республи-

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

каси зарур бўлган ички давлат тартиб-қоидаларини бажаргани тўғрисида Қозоғистон Республикасига тегишли билдиришнома йўлласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ушбу халқаро шартномалар кучга киргандан кейин Ўзбекистон Республикасининг уларда назарда тутилган мажбуриятлари ижроси устидан белгиланган тартибда назоратни таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 4 декабрь,
ПҚ-523-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

479 **Ўрта бўғин тиббиёт ходимларининг касбий савияси
ва малакасини оширишни рағбатлантиришга оид
қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Олий маълумотли тиббиёт ҳамширалари тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш, тиббий ёрдам кўрсатишнинг барча босқичларида уларнинг роли ва масъулиятини ошириш, шунингдек уларнинг касбий савияси ва малакасини узлуксиз ўстириш учун шарт-шароит ва рағбат яратиш мақсадида:

1. 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб:

олий маълумотли тиббиёт ҳамшираларига тариф ставкасининг 10 фоизи миқдорда;

тиббиёт бош ҳамшираларига тариф ставкасининг 5 фоизи миқдорда қўшимча ҳақ белгилансин.

2. 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб олий маълумотли тиббиёт ҳамшираларининг узлуксиз иш стажини давомийлиги учун устама ҳақ максимал миқдори:

шошилич тиббий ёрдам хизматларида ишловчилар учун тариф ставкасининг 30 фоизидан 40 фоизигача;

бошқа тиббиёт муассасаларида ишловчилар учун тариф ставкасининг 20 фоизидан 30 фоизигача оширилсин.

3. 1999/2000 ўқув йилидан бошлаб олий тиббиёт ўқув муассасаларининг даволаш факультетлари қошидаги олий маълумотли ҳамширалар тайёрлаш бўлимлари томонидан даволаш муассасаларининг жарроҳлик, туғуруқ бўлимларида, шунингдек анестезиология ва реанимация бўлимларида ишлаётган 645 нафар мутахассис тайёрланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2007/2008 ўқув йилидан бош-

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

лаб тиббиёт олий ўқув муассасаларида олий маълумотли тиббиёт ҳамширалари тайёрлашни кенгайтириш, шу билан бирга олий маълумотли тиббиёт ҳамширлари билан таъминлаш етарли бўлмаган ҳудудлар учун тегишли квоталарни тасдиқлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда олий маълумотли тиббиёт ҳамшираларини тайёрлаш кенгайтирилиши муносабати билан уларни тайёрлаш учун таълим жараёнига зарур ўқув, ўқув-методик ва илмий адабиётлар билан таъминлаш чора-тадбирларини кўрсин, шунингдек таълим жараёнига илғор педагогик технологияларни жорий этиш ва ўқув дастурларини янада такомиллаштиришни таъминласин.

5. Белгилансинки, олий тиббиёт ўқув муассасалари қошидаги олий малакали тиббиёт ҳамширалари тайёрлаш бўлимларининг давлат гранти ҳисобидан таълим олган битирувчилари камида уч йил мажбурий ишлаб бериш шarti билан республика даволаш-профилактика ва ўрта махсус таълим муассасаларига ишга тақсимланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2007 йилги Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда мазкур қарорда кўрсатилган тадбирларни молиялаштиришга қўшимча маблағлар ажратишни назарда тутсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Азимов ва Р.С. Қосимов зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 6 декабрь,
ПҚ-524-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

480 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2005 йил 27 декабрдаги ПҚ-244-сонли қарорини қисман ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 25 октябрдаги ПҚ-299-сонли қарори қабул қилиниши муносабати билан:

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2005 йил 27 декабрдаги ПҚ-244-сонли қарори 31-илова-сининг 7-банди ўз қучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 13 декабрь,
ПҚ-528-сон

—

+

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

481 Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида» 2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Биржа савдолари ўтказишни янада такомиллаштириш ҳамда мулкчилик шаклларида қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектларнинг моддий-техника ресурслари олишлари учун тенг шарт-шароитларни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида» 2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 2-сон, 10-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси ишлаб чиқарувчи корхоналар билан бирга полиэтилен, суюлтирилган газ, цемент ва шиферни биржа савдоларига қўйиш ва сотиш тартиби тўғрисидаги низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда тасдиқласинлар.

3. Белгилаб қўйилсинки, полиэтилен, суюлтирилган газ, цемент ва шиферни биржа савдоларига қўйиш ва сотиш тартиби тасдиқлангунга қадар маҳсулотларнинг ушбу турлари умумий белгиланган тартибда сотилади.

4. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўз идоравий норматив ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирадилар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 25 ноябрь,
244-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 25 ноябрдаги 244-сон қарорига
ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида» 2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарорига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 2-бандда:

иккинчи хатбошига «белгиланган тартибда тасдиқланадиган» сўзларидан кейин «корхоналар томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан келишган ҳолда тасдиқланадиган жадвалларга мувофиқ» сўзлари қўшилсин»;

тўртинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги тўртинчи ва бешинчи хатбоши билан алмаштирилсин:

«монополист корхоналарнинг 1 ва 2-иловага киритилган маҳсулотлари ички бозорда тўғридан-тўғри шартномалар бўйича, шунингдек биржа (кимошди) савдоларида сотилиши мумкин. Бунда маҳсулотлар (давлат эҳтиёжлари, давлат стратегик захираларини тўлдириш ва янгилаш, давлат буюртмаси бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлаб чиқарувчиларнинг ички тармоқ эҳтиёжлари учун, лимитлар бўйича истеъмолчиларнинг алоҳида тоифаларига сотиладиган маҳсулотлар, электр энергияси, табиий газ ва авиакеросин бундан мустасно) тўғридан-тўғри шартномалар бўйича охириги санада эълон қилинган биржа (кимошди) савдолари котировкаларининг ўртача нархлари бўйича сотилади;

моддий балансларга мувофиқ биржа (кимошди) савдоларида сотишга мўлжалланган маҳсулотлар тўғридан-тўғри шартномалар бўйича фақат биржа (кимошди) савдоларига қўйилган вақтдан бошлаб бир ой мобайнида сотилмаган ҳажмларда олдинги ҳафтадаги биржа савдоларида вужудга келган биржа савдолари ўртача нархлари бўйича сотилиши мумкин»;

бешинчи ва олтинчи хатбоши тегишли равишда олтинчи ва еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

еттинчи хатбошига қуйидаги мазмундаги жумла қўшилсин:

«Бунда биржа битишувлари сотувчи ва харидор томонидан тегишли равишда биржа савдосига қўйилган товар умумий қийматининг ва мўлжалланаётган битишув ҳажмининг 2 фоизигача миқдорда гаров таъминоти тўланган ҳолда, ҳисобкитобларни ҳисоб-китоб-клиринг палатаси орқали ўтказиб амалга оширилади».

2. Махсус белгиланадиган тартиб бўйича сотиладиган моддий-техника ресурсларининг стратегик турлари рўйхатига (2-илова) қуйидаги бандлар қўшилсин:

- «11. Полиэтилен
12. Суюлтирилган газ
13. Цемент
14. Шифер».

3. Моддий-техника ресурслари стратегик турларини сотишнинг махсус тартиби тўғрисидаги низомнинг (3-илова) 6-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Монополист корхоналарнинг маҳсулотлари тўғридан-тўғри шартномалар бўйича, шунингдек биржа (кимошди) савдоларида сотилади. Бунда маҳсулотлар тўғридан-тўғри шартномалар бўйича охириги санада эълон қилинган биржа (кимошди) сав-

долари котировкаларининг ўртача нархлари бўйича сотилади, мазкур Низомнинг 4-бандига мувофиқ сотиладиган маҳсулотлар бундан мустасно.

Моддий балансларга мувофиқ биржа (кимошди) савдоларида сотишга мўлжалланган маҳсулотлар тўғридан-тўғри шартномалар бўйича фақат биржа (кимошди) савдоларига қўйилган вақтдан бошлаб бир ой мобайнида сотилмаган ҳажмларда олдинги ҳафтадаги биржа савдоларида вужудга келган биржа савдолари ўртача нархлари бўйича сотилиши мумкин».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

482 Хорижий автомобилда юк ташувчилар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракатланиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Хорижий автомобилда юк ташувчилар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракатланишини тартибга солиш ва назорат қилишни кучайтириш, экспорт қилинадиган юкларни ташиш учун улардан оқилона ва самарали фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг хорижий автомобилда юк ташувчилар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракатланиш йўналишларини ўзгартириш тизимини жорий этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, хорижий автомобилда юк ташувчилар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракатланиш йўналишларидаги ўзгартиришлар қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий бошқармаси томонидан бериладиган рухсатномаларга мувофиқ амалга оширилади.

3. Хорижий автомобилда юк ташувчилар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракатланиш йўналишларини ўзгартиришга рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги дипломатик каналлар орқали хорижий давлатларнинг манфаатдор элчихоналари, консулликлари ва ваколатхоналарини хорижий автомобилда юк ташувчилар автотранспорт воситаларининг ҳаракатланиш тартибини такомиллаштириш юзасидан ушбу қарорда назарда тутилган чора-тадбирлар тўғрисида хабардор қилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси хорижий автомобилда юк ташувчилар томонидан республика ҳудудида белгиланган ҳаракатланиш йўналишларига қатъий риоя қилинишини таъминласинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 28 ноябрь,
245-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 28 ноябрдаги 245-сон қарорига
ИЛОВА

**Хорижий автомобилда юк ташувчилар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракатланиш йўналишларини ўзгартиришга рухсатнома бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан хорижий автомобилда юк ташувчиларнинг автотранспорт воситаларида товарлар олиб чиқишни тартибга солиш мақсадида ишлаб чиқилган ҳамда хорижий автомобилда юк ташувчилар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракатланиш йўналишларини ўзгартиришга 1-иловага мувофиқ рухсатнома бериш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомнинг амал қилиши:

хорижий автомобилда юк ташувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан транзит орқали ўтиб кетаётган автотранспорт воситаларига;

Ўзбекистон Республикасининг автомобилда юк ташувчиларига нисбатан ушбу Низомга ўхшаш рухсат бериш тартиботини қўлламаётган давлатлар хорижий автомобилда юк ташувчиларнинг автотранспорт воситаларига татбиқ этилмайди.

2. Ўзбекистон Республикаси резиденти — транспорт-экспедиторлик ташкилотлари ёки транспорт ташкилотлари (кейинги ўринларда «ариза берувчи» деб аталади) хорижий давлатнинг транспорт-экспедиторлик ташкилоти билан унга тегишли автотранспорт воситаларидан фойдаланиш юзасидан шартнома тузади.

Ариза берувчи юк жўнатувчи — экспорт қилувчи билан экспорт қилинадиган маҳсулотни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш учун хорижий автомобилда юк ташувчилардан фойдаланилиши тўғрисида шартнома тузади.

Ариза берувчи экспорт қилинадиган маҳсулотни олиб чиқиш учун хорижий автомобилда юк ташувчининг ҳаракатланиш йўналишини ўзгартирган ҳолда хорижий автомобилда юк ташувчилардан фойдаланишни мўлжаллаётганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига ёзма равишда мурожаат қилади.

Мурожаатга қуйидаги ҳужжатларнинг нусхалари илова қилинади:

ариза берувчининг хорижий автомобилда юк ташувчилардан фойдаланилиши тўғрисида шартномаси;

ариза берувчининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома.

3. Давлат божхона қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий бошқармасини ариза берувчининг экспорт қилинадиган маҳсулотни

олиб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракатланиш йўналишини ўзгартирган ҳолда хорижий автомобилда юк ташувчилардан фойдаланишни мўлжаллаётганлиги ҳамда ариза берувчи муайян хорижий автомобилда юк ташувчининг ҳаракатланиш йўналишини ўзгартириш тўғрисида мурожаат қилган тақдирда бир марталик рухсатнома бериш ҳақида хабардор қилади.

4. Хорижий автомобилда юк ташувчи Ўзбекистон Республикасига киришда божхона органига мурожаат қилади, ушбу орган товар-йўл ҳужжатларига мувофиқ унинг Ўзбекистон Республикасидаги бориш жойигача бўлган ҳаракатланиш йўналишини белгилайди.

5. Хорижий автомобилда юк ташувчи бориш жойига етиб келгандан кейин ариза берувчини алоқа воситалари орқали импорт қилинган юк туширилганлиги ҳамда экспорт қилинадиган юк мавжуд бўлса экспорт қилинадиган маҳсулотни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқишга тайёрлиги тўғрисида хабардор қилади.

6. Хорижий автомобилда юк ташувчининг ҳаракатланиш йўналишини ўзгартириш Давлат божхона қўмитаси ҳудудий бошқармасининг мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ шаклдаги рухсатномасига асосан амалга оширилади.

7. Ҳаракатланиш йўналишини ўзгартириш учун ариза берувчи Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий бошқармасига ёзма равишда мурожаат қилади. Ёзма мурожаатномада қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

ариза берувчининг амалда жойлашган жойи (почта манзили) ва банк реквизитлари;

хорижий автомобилда юк ташувчи ҳайдовчисининг фамилияси, исми ва паспортига оид маълумотлар, кириш визасининг амал қилиш муддати;

автотранспорт воситасининг русуми ва унинг давлат рўйхатидан ўтказиш рақами;

хорижий автомобилда юк ташувчининг режалаштирилаётган ҳаракатланиш йўналиши;

юкни жўнатувчининг номи ва манзили;

олиб чиқиладиган товарнинг номи ва миқдори (ҳажми);

товарни олиб чиқиш мўлжалланаётган муддат;

рухсатнома олиш ваколати берилган шахс (ариза берувчининг вакили ёки ҳайдовчи).

8. Ариза берувчининг мурожаатномаси Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий бошқармаси томонидан, мурожаатнома берилган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида кўриб чиқилади.

9. Фақат қуйидаги ҳолларда ариза берувчига ҳаракатланиш йўналишини ўзгартиришга рухсатнома бериш рад этилиши мумкин:

а) ёзма мурожаатномада мазкур Низомнинг 2 ва 7-бандларига мувофиқ маълумотлар кўрсатилмаган ва ҳужжатлар тақдим этилмаган бўлса;

б) мурожаатномада кўрсатилган хорижий автомобилда юк ташувчилар автотранспорт воситалари томонидан божхонага оид қонун ҳужжатлари ва ҳаракатланиш йўналишлари бир неча марта бузилган бўлса;

в) хорижий автотранспорт воситаси ҳайдовчиси кириш визасининг амал қилиш муддати товарни олиб чиқиш режалаштирилаётган муддатга мувофиқ бўлмаса.

10. Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий бошқармаси ариза берувчини қабул қилинган қарор тўғрисида бир иш куни мобайнида ёзма равишда хабардор қилади.

Ижобий қарор қабул қилинган тақдирда Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий бошқармаси ариза берувчининг ваколатли шахсига белгиланган шакл бўйича рухсатнома беради.

Ҳаракатланиш йўналишини ўзгартиришга рухсатнома бериш рад этилган тақдирда билдиришномада ҳам рад этишнинг сабаблари кўрсатилиши шарт.

11. Ҳаракатланиш йўналишини ўзгартиришга рухсатнома бериш ушбу Низомнинг 9-банди «а» ва «в» кичик бандларига мувофиқ рад этилган тақдирда ариза берувчи 15 кун мобайнида, рад этиш сабабларини бартараф этган ҳолда, Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий бошқармасига ҳаракатланиш йўналишини ўзгартиришга рухсатнома олиш учун ёзма равишда такроран мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Ҳаракатланиш йўналишини ўзгартиришга рухсатнома бериш рад этилгани тўғрисидаги билдиришнома олингандан кейин белгиланган муддат ўтгандан сўнг берилган ёзма мурожаатнома янгидан берилган ҳисобланади.

12. Ариза берувчи ёхуд унинг ваколатли шахси ҳаракатланиш йўналишини ўзгартиришга олинган рухсатномани хорижий автомобилда юк ташувчи томонидан олиб келинган товарларнинг туширилишини назорат қилган божхона масканига тақдим этади.

13. Товарларнинг туширилишини назорат қилган божхона масканининг ваколатли ходими рухсатнома асосида хорижий автомобилда юк ташувчининг ҳаракатланиш йўналиши варақасига тегишли ўзгартириш киритади, унда рухсатноманинг тартиб рақамини ва берилган санасини кўрсатади.

14. Ўзгартириш бориладиган жой ҳаракатланиш йўналиши варақасининг ўнг томондаги пастки бурчагида олиб чиқиладиган товарнинг юкланган жойи ва санасини ҳамда хорижий автомобилда юк ташувчи товарни олиб чиқадиган, божхона маскани ваколатли ходимининг имзоси ва тартиб рақамли шахсий муҳри билан тасдиқланган янги ҳаракатланиш йўналишини кўрсатиш йўли билан амалга оширилади.

15. Ҳаракатланиш йўналишини ўзгартиришга рухсатнома ўзгартирилган ҳаракатланиш йўналиши варақаси билан бирга хорижий автомобилда юк ташувчига қайтарилади.

16. Ҳаракатланиш йўналиши ўзгартирилгандан кейин рухсатноманинг тўлдирилган йиртма корешоги божхона маскани томонидан рухсатномани берган Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий бошқармасига ҳисобга олиш ва назорат қилиш учун жўнатилади.

17. Хорижий автомобилда юк ташувчи Ўзбекистон Республикаси ташқарисига чиқиб кетаётганда ҳаракатланиш йўналишини ўзгартиришга рухсатнома хорижий автомобилда юк ташувчи томонидан чиқиб кетиш жойидаги божхона масканига топширилади.

18. Ҳаракатланиш йўналишини ўзгартиришга рухсатнома ҳисобга олиш ва назорат қилиш учун тегишли божхона масканининг ҳужжатлар йиғмажилдида қолади.

19. Ариза берувчи ҳар ойда Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий бошқармасига ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича ҳаракатланиш йўналиши ўзгартирилган ҳолда экспорт қилинадиган товарларни олиб кетишни амалга оширган хорижий автомобилда юк ташувчилар тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

20. Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий бошқармаси Давлат божхона қўмитасига ҳаракатланиш йўналишини ўзгартирган ҳолда экспорт қилинадиган товарларни олиб кетишни амалга оширган хорижий автомобилда юк ташувчилар тўғрисида мунтазам равишда ҳисобот тақдим этади.

Хорижий автомобилда юк ташувчилар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракатланиш йўналишларини ўзгартиришга рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Хорижий автомобилда юк ташувчилар автотранспорт воситаларининг ҳаракатланиш йўналишини ўзгартириш масаласи бўйича транспорт-экспедиторлик ва транспорт ташкилотлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг ўзаро ҳамкорлиги схемаси

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Транспорт-экспедиторлик ташкилоти транспорт ташкилоти (кейинги ўринларда — ариза берувчи), юкни жўнатувчи — Ўзбекистон Республикасининг экспорт қилувчиси	<ol style="list-style-type: none"> Ариза берувчи томонидан хорижий давлатнинг транспорт-экспедиторлик ташкилотига тегишли автотранспорт воситаларидан фойдаланиш учун у билан шартнома тузилади. Ариза берувчи хорижий автомобилда юк ташувчининг автотранспорт воситалари ҳаракатланиш йўналишини ўзгартирган ҳолда экспорт маҳсулотни олиб чиқиш учун хорижий автомобилда юк ташувчилардан фойдаланиш нияти тўғрисида кейинчалик Давлат божхона кўмитасининг ҳудудий органларини хабардор қилиш учун Ўзбекистон Давлат божхона кўмитасига мурожаат қилади. Ариза берувчи томонидан экспорт маҳсулотни олиб чиқиш учун хорижий автомобилда юк ташувчиларнинг автотранспорт воситаларидан фойдаланиш тўғрисида юкни жўнатувчи — экспорт қилувчи билан шартнома тузилади. 	Тайёрлигига қараб
2-босқич	Хорижий автомобилда юк ташувчининг ҳайдовчиси (кейинги ўринларда — ҳайдовчи), Ўзбекистон Республикаси божхона органи	<ol style="list-style-type: none"> Ўзбекистон Республикасига киришда ҳайдовчи божхона органига мурожаат қилади, ушбу органда товарга илова қилинадиган ҳужжатларга мувофиқ Ўзбекистон Республикасида унинг белгиланган жойгача ҳаракатланиш йўналиши белгиланади. Ҳайдовчи белгиланган жойга келгач, импорт юкни тушириб экспорт маҳсулотни Ўзбекистон Республикасидан транспортда ташишга тайёрлиги тўғрисида ариза берувчини алоқа воситалари орқали хабардор қилади. 	Тайёрлигига қараб
3-босқич	Рухсатномани берган ваколатли орган: Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармалари (кейинги ўринларда — ДБҚ ва ДБҚХБ)	<ol style="list-style-type: none"> ДБҚ ДБҚХБни ариза берувчининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракатланиш йўналишини ўзгартирган ҳолда экспорт маҳсулотни олиб чиқиш учун импорт юкни туширган хорижий автомобилда (бўш) юк ташувчиларнинг автотранспорт воситаларидан фойдаланиш нияти ва ариза берувчи хорижий автомобилда юк ташувчининг муайян автотранспорт воситаси ҳаракатланиш йўналишини ўзгартириш тўғрисида мурожаат қилганда бир марталик рухсатнома бериш тўғрисида хабардор қилади. Ариза берувчининг мурожаати ДБҚХБ томонидан кўриб чиқилади. Қабул қилинган қарор тўғрисида ДБҚХБ ариза берувчини ёзма шаклда хабардор қилади. Ижобий қарор қабул қилинган тақдирда ДБҚХБ ариза берувчи томонидан вакил қилинган шахсга (вакил ёки ҳайдовчи) белгиланган шакл бўйича рухсатнома беради. Ҳаракатланиш йўналишини ўзгартиришга рухсатнома бериш рад этилган тақдирда билдиришномада ҳам рад этиш сабаблари кўрсатилиши керак. 	<p>3 кун мобайнида</p> <p>3 кун мобайнида</p> <p>1 кун мобайнида</p>
4-босқич	Ариза берувчи ёки хорижий автомобилда юк ташувчининг ҳайдовчиси, Ўзбекистон Республикаси божхона органи	<ol style="list-style-type: none"> Ариза берувчи томонидан вакил қилинган шахс ДБҚХБнинг тегишли рухсатномасини олиб уни автотранспорт воситаси ҳаракатланиш йўналишини экспорт маҳсулотни тушириш пункти йўналишига ўзгартириш ва сўнгра Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ўзгартирилган йўналиш бўйича чиқиб кетиш учун етиб келиш пунктидаги божхона масканига тақдим этади. Божхона маскани ходими рухсатнома асосида йўналиш варақасига тегишли ўзгартириш киритади. Йўналиш варақасида белгиланган пункт, олиб чиқилаётган экспорт товарни юклаш санаси ва хорижий автомобилда юк ташувчининг автотранспорт воситасининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетиш йўналиши белгиланади. Экспорт маҳсулот юкланган автотранспорт воситасининг Ўзбекистон Республикаси ташқарисига чиқишида йўналишини ўзгартиришга рухсатнома хорижий автомобилда юк ташувчининг автотранспорт воситаси ҳайдовчиси томонидан чиқиб кетиш божхона масканига топширилади. 	<p>Рухсатноманинг амал қилиши тугаши муддатидан кечикмай</p> <p>ўша кунда</p> <p>ўша кунда</p>

Хорижий автомобилда юк ташувчилар
автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон
Республикаси ҳудудида ҳаракатланиш
йўналишларини ўзгартиришга рухсатнома
бериш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби

Давлат божхона қўмитаси

**Хорижий юк ташувчи автотранспорт воситасининг Ўзбекистон
Республикаси ҳудудида ҳаракатланиш йўналишини ўзгартиришга
Рухсатнома № _____**

200__ йил « ____ » _____

Берилди _____
(Транспорт-экспедиторлик ташкилотининг номи)

Автотранспорт воситасининг давлат рақами _____
Автотранспорт воситасининг русуми _____
Ҳайдовчининг Ф.И.О. _____ паспорт № _____

(хорижий автомобилда юк ташувчи ҳаракатланишининг ўзгартирилган йўналиши)
Рухсатнома _____ гача амал қилади

*Мазкур рухсатнома битта хорижий автотранспорт воситасининг ҳаракатланиш
йўналиши варақасига битта ўзгартириш киритиш ҳуқуқини беради. Ҳаракатланиш
йўналиши варақасига ўзгартириш мазкур рухсатноманинг тартиб рақами кўрса-
тилган ҳолда божхона маскани ходими томонидан киритилади.*

_____ М.Ў.
(Давлат божхона қўмитаси масъул ходимининг Ф.И.О. ва имзоси)

Ииртма корешок

(Чиқиш пунктнинг божхона органи томонидан тўлдирилади)

Рухсатнома № _____ 200__ йил « ____ » _____	ДБК _____ вилояти (Қорақалпоғистон Республикаси) ҳудудий бошқармасининг _____ божхона маскани
	Автотранспорт воситасининг давлат рақами _____
	Автотранспорт воситасининг русуми _____
	Ҳайдовчининг Ф.И.О. _____ паспорт № _____
	200__ йил « ____ » _____
_____ М.Ў. (Божхона органи ходимининг Ф.И.О. ва имзоси)	

+

Хорижий автомобилда юк ташувчилар
автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон
Республикаси ҳудудида ҳаракатланиш
йўналишларини ўзгартиришга рухсатнома
бериш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

48—50 (236—238)-сон

— 21 —

482-модда

_____ ҳаракатланиш йўналиши варақаси ўзгартирилган
(автотранспорт компаниясининг номи)

**ҳолда экспорт қилинадиган товарларни олиб чиқиш учун фойдаланилган
автотранспорт воситалари тўғрисида
МАЪЛУМОТЛАР**

Т/р	Автотранспорт воситасининг давлат рақами	Автомашина рўйхатдан ўтказилган мамлакат	Чиқиб кетишда чегара кесиб ўтиладиган пункт	Юклаш пункти, экспорт қилинадиган товарни жўнатувчи	Юкни олувчи	ЮТД рақами	Товарнинг номи	Брутто вазни (кг)	Қиймати (АҚШ доллари)	Юк олиб кетилган сана
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI BAZIRLAR MAҲKAMACIНИНГ
ҚАРОРИ**483** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
Регламентига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш
тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Қонунлар лойиҳа-
ларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажли-
сининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»
2006 йил 11 октябрдаги ЎРҚ–60-сон Қонуни)

Ўзбекистон Республикасининг «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида» 2006 йил 11 октябрдаги ЎРҚ–60-сон Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 14 февралдаги 62-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 2-сон, 8-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Регламентига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 29 ноябрь,
246-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 29 ноябрдаги 246-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
Регламентига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 24-бандга «қонунлар лойиҳалари эса «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига ҳам жавоб бериши керак» сўзлари қўшилсин.

2. 25-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасида» сўзларидан кейин «ҳамда «Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 27-моддасида» сўзлари қўшилсин.

3. 28-банднинг биринчи хатбошидаги «юридик техника» сўзлари «қонунчилик техникаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI BAZIRLAR MAҲKAMACIНИНГ
ҚАРОРИ**484** Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Идоралараро экспертлар кенгаши томонидан енгил саноат корхоналарини қуриш, қайта ихтисослаштириш ва модернизация қилиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2006—2008 йилларда тўқимачилик саноати корхоналарини модернизация қилиш ва техникавий қайта жиҳозлаш Дастури тўғрисида» 2006 йил 13 ноябрдаги ПҚ-510-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Идоралараро экспертлар кенгаши (кейинги ўринларда «Экспертлар кенгаши» деб аталади) томонидан енгил саноат корхоналарини қуриш, қайта ихтисослаштириш ва модернизация қилиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар Экспертлар кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин: енгил саноат корхоналарини қуриш, қайта ихтисослаштириш ва модернизация қилиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш ва уларни амалга ошириш юзасидан тавсиялар бериш;

енгил саноат корхоналарини қуриш, қайта ихтисослаштириш ва модернизация қилиш лойиҳаларини танлаш мезонларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

тасдиқланган 2006—2008 йилларда тўқимачилик саноати корхоналарини модернизация қилиш ва техникавий қайта жиҳозлаш Дастурига киритилган, корхоналарнинг ўз эҳтиёжлари учун олиб келинадиган технологик ва ёрдамчи асбоб-ускуналар, технологик жиҳозлар ва эҳтиёт қисмлар рўйхатини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритиш;

янги лойиҳаларни кўрсатиб ўтилган Дастурга киритиш юзасидан таклифлар киритиш;

енгил саноатни янада модернизация қилиш стратегияси бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

енгил саноат корхоналарини қуриш, қайта ихтисослаштириш ва модернизация қилиш бўйича хорижий инвесторлардан тушадиган таклифлар бўйича ахборотларни тўплаш ва умумлаштириш;

лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган бошқа масалалар.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика тўқимачилик тармоғига инвестициялар жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 27 январдаги 38-сон қарорига 3-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 ноябрдаги 251-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 11-сон, 61-модда) 1-илова-сига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Марказий банк, «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда ўз идоравий норматив ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирадилар.

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 1 декабрь,
247-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 1 декабрдаги 247-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Идоралараро
экспертлар кенгаши томонидан енгил саноат корхоналарини
қуриш, қайта ихтисослаштириш ва модернизация қилиш бўйича
таклифларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Идоралараро экспертлар кенгаши (кейинги ўринларда «Экспертлар кенгаши» деб аталади) томонидан енгил саноат корхоналарини қуриш, қайта ихтисослаштириш ва модернизация қилиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш тартибини белгилайди.

2. Экспертлар кенгаши ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив ҳужжатларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

3. Мазкур Низом мулкчилик шаклларида ва молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, енгил саноат корхоналарини қуриш, қайта ихтисослаштириш ва модернизация қилиш бўйича барча лойиҳаларга татбиқ этилади.

II. Экспертлар кенгашининг вазифалари ва ваколатлари

4. Қуйидагилар Экспертлар кенгашининг асосий вазифалари ҳисобланади:
енгил саноат корхоналарини қуриш, қайта ихтисослаштириш ва модернизация қилиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш ва уларни амалга ошириш юзасидан тавсиялар бериш;

енгил саноат корхоналарини қуриш, қайта ихтисослаштириш ва модернизация қилиш лойиҳаларини (кейинги ўринларда «лойиҳалар» деб аталади) танлаш мезонларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

тасдиқланган 2006—2008 йилларда тўқимачилик саноати корхоналарини модернизация қилиш ва техникавий қайта жиҳозлаш Дастурига киритилган, корхона-

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

ларнинг ўз эҳтиёжлари учун олиб келинадиган технологик ва ёрдамчи асбоб-ускуналар, технологик жиҳозлар ва эҳтиёт қисмлар рўйхатини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритиш;

янги лойиҳаларни кўрсатиб ўтилган Дастурга киритиш юзасидан таклифлар киритиш;

енгил саноатни янада модернизация қилиш стратегияси бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

енгил саноат корхоналарини қуриш, қайта ихтисослаштириш ва модернизация қилиш бўйича хорижий инвесторлардан тушадиган таклифлар бўйича ахборотларни тўплаш ва умумлаштириш;

лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган бошқа масалалар.

5. Экспертлар кенгаши ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ишчи гуруҳлар ташкил этиш;

мажлисларга вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бошқаруви органлари вакилларини ва лойиҳалар ташаббускорларини таклиф этиш;

вазирликлар ва идоралардан ҳамда лойиҳалар ташаббускорларидан лойиҳа билан боғлиқ статистика ахборотларини ва бошқа ахборотларни сўраб олиш;

асбоб-ускуналар ва объектларнинг ҳолатини баҳолаш учун консалтинг компанияларини жалб этиш;

ваколатли органларнинг лойиҳалар экспертизаси амалга оширилишининг белгиланган тартибига риоя қилиши устидан мониторинг олиб бориш.

Экспертлар кенгаши қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

6. Экспертлар кенгаши лойиҳа ташаббускорининг ёзма мурожаати бўйича лойиҳани ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан боғлиқ масалалар юзасидан ўз ваколатлари доирасида тушунтиришлар бериши шарт.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг Хорижий инвестицияларни жалб этиш ва инвестиция лойиҳалари мониторинги бош бошқармаси (кейинги ўринларда «ишчи орган» деб аталади) Экспертлар кенгашининг ишчи органи ҳисобланади.

III. Экспертлар кенгаши томонидан енгил саноат корхоналарини қуриш, қайта ихтисослаштириш ва модернизация қилиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш тартиби

8. Экспертлар кенгаши томонидан енгил саноат корхоналарини қуриш, қайта ихтисослаштириш ва модернизация қилиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш икки босқичда амалга оширилади.

9. Биринчи босқичда ташаббускор томонидан Экспертлар кенгашига ёзма ариза киритилади, унга енгил саноат корхоналарини қуриш, қайта ихтисослаштириш ва модернизация қилиш бўйича таклиф (кейинги ўринларда «таклиф» деб аталади) илова қилинади.

Таклифда:

лойиҳанинг иқтисодий самарадорлигининг дастлабки ҳисоб-китоблари, оқилона жойлаштиришни танлаш ва лойиҳани амалга оширишнинг энг самарали техник, ташкилий ва иқтисодий ечими;

ташкил этиладиган иш ўринлари сони;

хом ашё базасининг мавжудлиги ҳамда лойиҳани амалга ошириш даврида хом ашё ва материаллар билан кафолатли таъминлаш;

ишлаб чиқариш режалаштириладиган маҳсулотнинг ҳажми ва турлари;

харид вариантларини ва уни амалга ошириш имконияти схемаларини кўриб чиқиш асосида технологик асбоб-ускуналар қиймати;

ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг мўлжалланаётган нархлари ва сотиш бозорлари;

молиялаштириш манбалари ва қарз маблағлари жалб этилган тақдирда мўлжалланаётган гаров таъминоти;

лойиҳа ташаббускорининг кредитни тўлашга қодирлиги ва ушбу тармоқдаги иш тажрибаси тўғрисидаги умумий маълумотлар бўлиши керак.

Таклиф унга дастлабки баҳо бериш учун ишчи органга юборилади.

Республика марказий идораларига ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тушадиган барча таклифлар улар тушган санадан бошлаб уч кун муддатда ишчи органга берилиши, айтилган вақтда лойиҳалар ташаббускорлари ёзма равишда хабардор қилиниши керак.

Экспертлар кенгаши ўз ишини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан ўзаро мустақам ҳамкорликда ташкил этади, ўзининг лойиҳани амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги асосланган таклифларини киритиш ва Экспертлар кенгашининг мажлисларида қатнашиш ҳуқуқига эга.

Экспертлар кенгаши ташаббускор таклифининг тасдиқланган мезонларга мувофиқлигини ўрганиб ҳамда ишчи органнинг дастлабки баҳоси натижаларини кўриб чиқиб ўн иш куни мобайнида бундан кейин ишлаб чиқиш ва лойиҳа ҳужжатларини ваколатли экспертиза органлари билан келишишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида расмий хулоса беради.

10. Иккинчи босқичда ташаббускор Экспертлар кенгашининг хулосасини ҳисобга олган ҳолда лойиҳанинг техник-иқтисодий асослашни мустақил равишда ишлаб чиқади ёхуд ихтисослаштирилган ташкилотларни (лойиҳалаш институтларини, консалтинг ва инжиниринг компанияларини) жалб этади.

Техник-иқтисодий асослашни ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 ноябрдаги 251-сон қарори билан тасдиқланган Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тўғрисидаги низомнинг (кейинги ўринларда «Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тўғрисидаги низом» деб аталади) VI бўлимига мувофиқ амалга оширилади.

11. Белгиланган тартибда ўтказилган техник-иқтисодий асослашни экспертизадан ўтказиш натижаларига кўра, шунингдек ваколатли экспертиза органларининг ижобий хулосалари мавжуд бўлган тақдирда лойиҳа ташаббускори қуйидагиларни Экспертлар кенгашига кўриб чиқиш учун киритади:

лойиҳанинг техник-иқтисодий асослаши;

ваколатли экспертиза органларининг техник-иқтисодий асослаш юзасидан ижобий хулосалари;

технологик асбоб-ускуналар етказиб бериш юзасидан контрактларнинг лойиҳалари, лойиҳаларда асбоб-ускуналарни етказиб бериш шартлари, уларнинг қиймати, русумлари, техник тавсифлари, асбоб-ускуналарнинг ишлаб чиқарилган йили (спецификацияси) мавжуд бўлади;

ишлаб чиқарилиши режалаштириладиган маҳсулотларни сотиш юзасидан фьючерс контрактларнинг лойиҳалари (мўлжаллар протоколлари), (агар мавжуд бўлса).

Такдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги учун лойиҳа ташаббускори жавоб беради.

Хулосага лойиҳанинг техник-иқтисодий асослаши бўйича бир ёки бир нечта ваколатли экспертиза органлари рози бўлмаган тақдирда лойиҳа ташаббускори Экспертлар кенгашига асосланган эътирозни такдим этиш ҳуқуқига эга. Экспертлар кенгаши лойиҳанинг техник-иқтисодий асослашини ваколатли экспертиза органларининг хулосаларини, шунингдек лойиҳа ташаббускорининг фикрларини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.

12. Ишчи орган ушбу Низомнинг 11-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тушган санадан бошлаб бир кун муддатда Экспертлар кенгаши раиси билан Экспертлар кенгашининг навбатдаги мажлисини ўтказиш санасини (ҳужжатлар такдим қилинган санадан бошлаб ўн иш кунидан кечикмай) келишиб олади ва Экспертлар кенгаши аъзоларини бу тўғрида хабардор қилади.

13. Қўйидагилар лойиҳани Экспертлар кенгаши томонидан баҳолашнинг асосий мезонлари ҳисобланади:

лойиҳани амалга оширишнинг умумий иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги ва самарадорлиги (ишлаб чиқариш қувватларини мақбул тарзда жойлаштириш, ташкил этиладиган иш ўринлари, тармоқдаги таркибий ўзгартиришларга таъсири, ишлаётган қувватлардан фойдаланилиши, зарур хом ашё, материаллар ва инфратузилмаларнинг мавжудлиги);

тайёр маҳсулотларни ҳам ички, ҳам ташқи бозорда сотиш имконияти ва истиқболлари;

лойиҳанинг экспортга йўналтирилганлиги — экспорт қилишга мўлжалланган маҳсулотлар ҳажми ишлаб чиқариш ҳажмининг 70—80 фоизидан кам бўлмаслиги керак; технологик асбоб-ускуналар даражасининг замонавий сифат стандартлари (ИСО 9001)га мувофиқлиги, лойиҳада халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимининг мавжудлиги.

14. Экспертлар кенгаши ўн иш куни мобайнида таклифларни такдим этилган ҳужжатлар асосида кўриб чиқади ва қўйидагилар:

а) лойиҳани амалга ошириш имконияти;

б) аниқ ва асосланган фикр-мулоҳазалар ва камчиликларни кўрсатган ҳолда лойиҳани пухта ишлаб чиқишнинг зарурлиги;

в) лойиҳанинг техник-иқтисодий асослаши бўйича бир ёки бир нечта ваколатли экспертиза органларининг салбий хулосаси мавжуд бўлган тақдирда лойиҳани амалга оширишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида қарор қилади.

15. Ушбу Низомнинг 14-банди «б» кичик бандига мувофиқ пухта ишлаб чиқилган лойиҳалар кўриб чиқиш учун Экспертлар кенгашига белгиланган тартибда так-роран киритилади.

Экспертлар кенгашининг ушбу Низомнинг 14-банди «в» кичик бандида кўрсатилган қарори юзасидан лойиҳа ташаббускори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига шикоят билдириши мумкин.

16. Лойиҳа Экспертлар кенгаши томонидан маъқуллангандан кейин техник-иқтисодий асослашни тасдиқлаш Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тўғрисидаги низомга мувофиқ, белгиланган тартибда амалга оширилади.

IV. Экспертлар кенгаши ишларини ташкил этиш

17. Экспертлар кенгаши мажлислари заруриятга кўра, бироқ ҳар ойда камида бир марта ўтказилади.

Мажлисни Экспертлар кенгаши раиси, у бўлмаган тақдирда — Экспертлар кенгаши раисининг ўринбосари ўтказди.

Экспертлар кенгаши мажлиси унинг аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашганда ваколатли ҳисобланади. Кворум бўлмаган тақдирда мажлис бошқа муддатга кўчирилади. Экспертлар кенгаши аъзолари унинг мажлисларида шахсан қатнашиши керак.

Экспертлар кенгашининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари орқали киритилган таклифлар кўриб чиқиладиган мажлисига маҳаллий давлат ҳокимияти тегишли органларининг вакиллари таклиф этилади.

Экспертлар кенгашининг қарорлари Экспертлар кенгашининг мажлисда қатнашадиган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овоз бериш очиқ усулда ўтказилади. Экспертлар кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Экспертлар кенгаши аъзоларининг овози тенг бўлган тақдирда унинг раиси овози, у бўлмаганда — раис ўринбосарининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

18. Мажлислар қарорлари протокол билан расмийлаштирилади. Протоколда ўтказилган мажлиснинг жойи ва санаси, кун тартиби, раислик қилувчи, котиб, Экспертлар кенгашининг мажлисда қатнашган аъзолари, лойиҳа ташаббускори, унинг томонидан тавсия қилинган лойиҳа тўғрисидаги ахборот, Экспертлар кенгашининг кўриб чиқилган масалалар бўйича қарорлари ва хулосалари кўрсатилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 1 декабрдаги 247-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил
15 ноябрдаги 251-сон қарорига 1-иловага киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 8-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Енгил саноат корхоналарини қуриш, қайта ихтисослаштириш ва модернизация қилиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишда лойиҳа ташаббускори томонидан, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Енгил саноат корхоналарини қуриш, қайта ихтисослаштириш ва модернизация қилиш бўйича таклифларни кўриб чиқадиган Идоралараро экспертлар кенгаши хулосасига кўра, дастлабки техник-иқтисодий асослаш ишлаб чиқилмасдан лойиҳанинг узил-кесил техник-иқтисодий асослаши белгиланган тартибда тайёрланади».

2. 21-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Енгил саноат корхоналарини қуриш, қайта ихтисослаштириш ва модернизация қилиш бўйича лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асослаши Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Енгил саноат корхоналарини қуриш, қайта ихтисослаштириш ва модернизация қилиш бўйича таклифларни кўриб чиқадиган Идоралараро экспертлар кенгаши томонидан тасдиқланадиган енгил саноат корхоналарини қуриш, қайта ихтисослаштириш ва модернизация қилиш лойиҳаларини танлаш бўйича мезонлар асосида ишлаб чиқилади».

3. 22-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Лойиҳа қийматидан қатъи назар, қарз маблағларини жалб этмасдан, тўғридан-тўғри инвестициялар молиялаштириш манбаи ҳисобланадиган енгил саноат

корхоналарини қуриш, қайта ихтисослаштириш ва модернизация қилиш лойиҳаларининг техник-иқтисодий асослаши Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва «Ўзбекенгилсанот» давлат-акциядорлик компаниясида экспертизадан ўтказилади».

4. Қуйидаги мазмундаги 22³ ва 22⁴-бандлар қўшилсин:

«22³. Енгил саноат корхоналарини қуриш, қайта ихтисослаштириш ва модернизация қилишни назарда тутувчи лойиҳалар бўйича лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асослаши лойиҳа бўйича қабул қилинган технологик ечимни баҳолаш (фойдаланиладиган технологиялар даражаси, технологик жараён асбоб-ускуналарининг тавсия этилаётган занжирининг тўлиқлиги, юқори сифатли ва кенг турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш имконияти, халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимининг мавжудлиги, хом ашё базаси билан таъминланганлик, шунингдек умуман тармоқ бўйича лойиҳани амалга оширишнинг комплекслиги) бўйича «Ўзбекенгилсанот» давлат-акциядорлик компаниясида экспертизадан ўтказилгандан кейин ваколатли экспертиза органларига киритилади.

22⁴. Ваколатли экспертиза органларининг ижобий хулосалари мавжуд бўлганда енгил саноат корхоналарини қуриш, қайта такомиллаштириш ва модернизация қилиш лойиҳаларининг техник-иқтисодий асослаши лойиҳа ташаббускори томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Енгил саноат корхоналарини қуриш, қайта ихтисослаштириш ва модернизация қилиш бўйича таклифларни кўриб чиқадиган Идоралараро экспертлар кенгашига киритилади».

5. 24-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«24. Кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш учун кредит линиялари ҳисобига тижорат банклари томонидан молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларини техник-иқтисодий асослаш (техник-иқтисодий ҳисоблаш)ни ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида» 1998 йил 27 майдаги 232-сон қарори билан тасдиқланган Кичик тадбиркорликни ривожлантириш учун лойиҳаларни танлаб олиш ва хорижий кредитларни бериш тартибига мувофиқ амалга оширилади, енгил саноат корхоналарини қуриш, қайта такомиллаштириш ва модернизация қилиш бўйича лойиҳалар бундан мустасно».

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI BAZIRLAR MAᖘKAMACIНИНГ
ҚАРОРИ**485** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб эътироф этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «ЎзМАДпарранда-холдинг» холдинг компаниясини тугатиш тўғрисида» 2006 йил 28 октябрдаги 221-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб эътироф этилсин

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 4 декабрь,
249-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 4 декабрдаги 249-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурлари амалга оширилишини, хорижий инвестицияларни жалб этиш фаоллаштирилишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2002 йил 26 мартдаги 97-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 3-сон, 17-модда) 3-илованинг 6-банди.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2003 йил 28 февралдаги 112-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 2-сон, 19-модда) илованинг 24-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2003 йил 24 сентябрдаги 411-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 9-сон, 88-модда) 1-илованинг 6-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2005 йил 8 сентябрдаги 206-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 9-10-сон, 48-модда) 1-илованинг 18-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**486** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш тартибини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» 2006 йил 25 октябрдаги ПҚ-499-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш тартибини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» 2006 йил 25 октябрдаги ПҚ-499-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 4 декабрь,
250-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 4 декабрдаги 250-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини
йўқотаётган қарорлари рўйхати**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2003 йил 25 декабрдаги 567-сон қарорига 27-илованинг 19-банди.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Лизинг хизматларини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида» 2004 йил 26 апрелдаги 199-сон қарорига илованинг V банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 4-сон, 42-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2004 йил 28 декабрдаги 610-сон қарорига 32-илованинг 11 ва 12-бандлари.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида» 2005 йил 15 июндаги ПҚ-100-сон қарори)» 2005 йил 15 августдаги 197-сон қарорига илованинг 3-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоб-

лаш тўғрисида» 2005 йил 8 сентябрдаги 206-сон қарорига 1-илованинг 42-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 9-10-сон, 48-модда).

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 11 майдаги ПФ-3751-сон Фармони)» 2006 йил 27 июлдаги 149-сон қарорига илованинг 3-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 7-сон, 56-модда).

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2006 йил 18 октябрдаги 217-сон қарорига илованинг 3-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 10-сон, 78-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

487 **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасини акционерлик жамиятига айлантириш тўғрисида» 1996 йил 18 апрелдаги 156-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «В.П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкилий тузилмасини такомиллаштириш ва молиявий-иқтисодий жиҳатдан соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 30 октябрдаги ПҚ-500-сон қарори)**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «В.П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкилий тузилмасини такомиллаштириш ва молиявий-иқтисодий жиҳатдан соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 30 октябрдаги ПҚ-500-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Вазирлар Маҳкамасининг «В.П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасини акционерлик жамиятига айлантириш тўғрисида» 1996 йил 18 апрелдаги 156-сон қарорига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 4 декабрь,
251-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 4 декабрдаги 251-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
«В.П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш
бирлашмасини акционерлик жамиятига айлантириш тўғрисида»
1996 йил 18 апрелдаги 156-сон қарорига киритилаётган
ўзгартиришлар**

5-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги тахрирда баён қилинсин:

«В.П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат-акциядорлик жамияти асосий ишлаб чиқариш цехларининг иловага мувофиқ намунавий тузилмасига розилик берилсин»;

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

2. 1 ва 2-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. 3-иловадаги «3» рақами чиқариб ташлансин.

+

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

**488 Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги
вазирлиги ҳузуридаги Ирригация ва дренаж миллий
қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ирригация ва дренаж миллий қўмитаси фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ирригация ва дренаж миллий қўмитаси тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ирригация ва дренаж миллий қўмитаси таркиби 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ирригация ва дренаж миллий қўмитаси Ирригация ва дренаж халқаро комиссиясида Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ифодалайди.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

* 2-илова берилмайди.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 12 декабрь,
256-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 12 декабрдаги 256-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги
вазирлиги ҳузуридаги Ирригация ва дренаж миллий
қўмитаси тўғрисида
НИЗОМ**

И. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ирригация ва дренаж миллий қўмитаси (кейинги ўринларда Ўзбекистон Республикаси Ирригация ва дренаж миллий қўмитаси деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июндаги 290-сон қарори билан ташкил этилган.

2. Ўзбекистон Республикаси Ирригация ва дренаж миллий қўмитаси иқтисодиётнинг сув истеъмол қиладиган ва сувдан фойдаланадиган ўзаро боғлиқ тармоқлари фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда сув ресурслари кескин танқис бўлган ва вужудга келган ноқулай экологик вазият шароитларида, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш бўйича чет эл ижобий тажрибасидан фойдаланган ҳолда ягона иқтисодий, илмий-техник сув хўжалиги ва мелиоратив сиёсатни ҳаётга татбиқ қилишга даъват этилган.

3. Ўзбекистон Республикаси Ирригация ва дренаж миллий қўмитаси фаолияти Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан мувофиқлаштириб борилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ирригация ва дренаж миллий қўмитаси жамоатчилик асосида фаолият кўрсатадиган коллегиал орган ҳисобланади, унинг таркибига турли вазирликлар ва идоралар раҳбарларидан, ирригация, дренаж ва табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги етакчи олимлар ва мутахассислардан иборат бўлган аъзолар кирилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Ирригация ва дренаж миллий қўмитаси Ирригация ва дренаж халқаро комиссиясида Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ифодалайди.

6. Ўзбекистон Республикаси Ирригация ва дренаж миллий қўмитасининг жўнатиладиган хат-хабарлари Ирригация ва дренаж халқаро комиссияси рамзидан фойдаланган ҳолда махсус бланкада расмийлаштирилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Ирригация ва дренаж миллий қўмитасининг юридик манзили: 700004, Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 4-уй.

II. Ўзбекистон Республикаси Ирригация ва дренаж миллий қўмитасининг мақсади, вазифалари ва функциялари

8. Республика сув хўжалигини ривожлантиришга, сув ресурсларидан самарали, эҳтиётлаб фойдаланишга, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга ва унумдорлигини оширишга йўналтирилган ягона иқтисодий ва илмий-техник сув хўжалиги сиёсатини ҳаётга татбиқ этишга энг юқори даражада кўмаклашиш, Ўзбекистоннинг тарихий тажрибасини ҳамда бошқа мамлакатларнинг ижобий тажрибасини чуқур ўрганиш ва умумлаштириш асосида сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш ва табиий муҳитни экологик соғломлаштириш бўйича тадбирларни ишлаб чиққан ва амалга оширган ҳолда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини барқарор ривожлантиришни таъминлайдиган суғоришнинг илғор техникаси ва технологияларини жорий этиш Ўзбекистон Республикаси Ирригация ва дренаж миллий қўмитасининг асосий мақсади ҳисобланади.

9. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Ирригация ва дренаж миллий қўмитасининг асосий вазифалари ҳисобланади:

Ирригация ва дренаж халқаро комиссияси ва унинг доимий ишчи гуруҳлари ишида уларнинг таркибига етакчи мутахассислар ва олимларни киритиш йўли билан қатнашиш, халқаро конгресслар ва минтақавий конференцияларни, шунингдек Ирригация ва дренаж халқаро комиссиясининг семинарлари, симпозиумлари ва бошқа анжуманларини ташкил этишга кўмаклашиш;

сув хўжалигини ривожлантириш схемаларини тузишни ташкил этишга кўмаклашиш;

сув хўжалигининг, йирик ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектлари ва тизимларини модернизация қилишнинг муаммоли масалаларини кўриб чиқиш;

ирригация, дренаж соҳасидаги ўзаро боғлиқ тармоқларнинг умумий манфаатларини мувофиқлаштириш, сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш, Ирригация ва дренаж халқаро комиссияси бошқа миллий қўмиталари ва халқаро ташкилотлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда сувларнинг атроф муҳит экологиясига ва шу кабиларга салбий таъсирини камайтириш;

халқаро ташкилотларнинг самарали лойиҳалари натижалари бўйича, сув ресурсларини бошқариш, ерларни ирригациялаш ва мелиорациялаш соҳасида республикада бажарилаётган қўшма лойиҳалар бўйича маълумотлар банкни ташкил этишга кўмаклашиш;

бошқа мамлакатларнинг миллий қўмиталари билан илмий, техник ва бошқа ахборотларни алмашиш йўли билан бошқа мамлакатларнинг суғориладиган деҳқончилик борасидаги илғор тажрибасини тарғиб қилиш, энг янги илмий ва амалий ахборотларни оммалаштириш, Ирригация ва дренаж халқаро комиссияси босма нашрларида эълон қилиш.

10. Ўзбекистон Республикаси Ирригация ва дренаж миллий қўмитаси асосий вазифаларига мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

Ўзбекистон Республикаси Ирригация ва дренаж миллий қўмитасининг режадаги мажлисларини ташкил этиш ва ўтказиш;

сув ресурсларини оқилона бошқариш, ирригация ва дренаж тизимларини тақомиллаштириш, суғориладиган ерларни мелиорациялашни яхшилаш, дарёлар ўзаниларини тартибга солиш, сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш, шунингдек сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш муаммолари бўйича даврий мажлислар, семинарлар ва конференцияларни ташкил этиш ва ўтказишда ёрдам кўрсатиш;

кадрлар потенциалини ва ташкилий потенциални ривожлантириш мақсадида ирригация, дренаж, сув ресурслари, сув тошқинларини тартибга солиш соҳасидаги мутахассислар ва раҳбар ходимлар малакасини ошириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикаси Ирригация ва дренаж миллий қўмитаси аъзолари ва вакилларининг Ирригация ва дренаж халқаро комиссияси томонидан ташкил этиладиган халқаро тадбирларда, Ирригация ва дренаж халқаро комиссиясининг ирригация ва дренаж бўйича ишчи органларида самарали иштирокини таъминлашга қўмаклашиш;

Ирригация ва дренаж халқаро комиссиясининг босма нашрларини (илмий журнал, ойлик ва чораклик ахборот нашрларини) оммалаштириш, Ирригация ва дренаж халқаро комиссиясига аъзо мамлакатларнинг миллий қўмиталари ўртасида илмий-техник ахборотларни ўзаро алмашишни ташкил этиш;

Ўзбекистонда ирригация ва дренаж муаммолари бўйича илмий мақолалар ва ахборот тусидаги материалларни Ирригация ва дренаж халқаро комиссиясининг ва Ўзбекистон Республикасининг ихтисослаштирилган нашрларида эълон қилишга қўмаклашиш;

ирригация, дренаж, сув ресурслари, шунингдек сув ресурсларига нисбатан тежамли ва эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш бўйича жамоатчилик фикрини шакллантириш тадбирларида қатнашиш, оммавий ахборот воситаларида чиқишларни ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Ирригация ва дренаж миллий қўмитаси ҳузурида ташкил этилган ёш мутахассислар гуруҳлари ишларига раҳбарлик қилиш ва уларни мувофиқлаштириш;

Ўз таркибига жамоа ва яқка тартибдаги аъзоларни қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Ирригация ва дренаж миллий қўмитасининг Ирригация ва дренаж халқаро комиссиясига аъзолик бадалларининг ўз вақтида тўланиши юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш;

Ўзбекистон Республикаси Ирригация ва дренаж миллий қўмитасининг ҳар йилги ҳисоботларини тузиш.

III. Ўзбекистон Республикаси Ирригация ва дренаж миллий қўмитаси ишларини ташкил этиш

11. Ўзбекистон Республикаси Ирригация ва дренаж миллий қўмитаси фаолиятига унинг раиси — лавозимига кўра Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ўринбосари — Сув хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи раҳбарлик қилади.

12. Ирригация ва дренаж халқаро комиссияси уставига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ирригация ва дренаж миллий қўмитаси раиси раҳбар орган — Ирригация ва дренаж халқаро комиссиясининг Халқаро Доимий Кенгаши аъзоси ҳисобланади ва Ирригация ва дренаж халқаро комиссиясининг ҳисобот йилидаги фаолияти яқунлари бўйича Халқаро Доимий Кенгашнинг ҳар йилги мажлисларида қатнашади.

13. Қўйилган вазифаларнинг тезкорлик билан ҳал этилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ирригация ва дренаж миллий қўмитасида 7—9 кишидан иборат таркибда Ишчи президиум фаолият кўрсатади. Ишчи президиум аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ирригация ва дренаж миллий қўмитаси аъзолари

дан, ҳар икки йилда улар таркибий сонининг учдан бир қисмини алмаштириш йўли билан сайланади.

14. Ўзбекистон Республикаси Ирригация ва дренаж миллий қўмитаси мажлисларини жорий йилги иш режасига мувофиқ ҳар чоракда бир марта ташкил қилади ва ўтказди. Заруриятга кўра, Ишчи президиум қарори бўйича иш режасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Иш режасига киритиладиган масалалар Ўзбекистон Республикаси Ирригация ва дренаж миллий қўмитасининг Ишчи президиуми ва тегишли ташкилотлар (вазирликлар, идоралар, қўмиталар ва шу кабилар) томонидан тавсия этилади.

Ўзбекистон Республикаси Ирригация ва дренаж миллий қўмитаси мажлисига материаллар Ўзбекистон Республикаси Ирригация ва дренаж миллий қўмитаси мажлиси кун тартибига киритиш учун масалаларни тавсия қилган вазирликлар ва идораларнинг тегишли бошқармалари, бўлимлари томонидан тақдим этилади.

15. Сув ва ер ресурсларидан фойдаланиш, ерларни мелиорациялашни яхшилаш ва шу кабилар соҳасидаги айрим муҳим ва комплекс вазифалар Ўзбекистон Республикаси Ирригация ва дренаж миллий қўмитасининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ирригацияни ривожлантириш ва ерларнинг унумдорлигини ошириш муаммоларини ҳал этиш кенгашининг қўшма мажлисларида муҳокама қилиниши мумкин.

16. Мажлислар оралиғида зудлик билан ҳал этишни талаб қиладиган масалалар Ўзбекистон Республикаси Ирригация ва дренаж миллий қўмитасининг Ишчи президиуми томонидан, тегишли қарор қабул қилган ҳолда кўриб чиқилади.

17. Ўзбекистон Республикаси Ирригация ва дренаж миллий қўмитасининг ташкилий-функционал вазифалари ва мажбуриятларини бажариш раис ўринбосари (бош котиб), илмий котиб, таржимон ва котиб-референтдан иборат таркибдаги ишчи гуруҳ томонидан таъминланади.

18. Ўзбекистон Республикаси Ирригация ва дренаж миллий қўмитаси мажлислари қарори мажлисда Ўзбекистон Республикаси Ирригация ва дренаж миллий қўмитаси аъзоларининг ярмидан кўпи қатнашганда, оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Раис ва Ўзбекистон Республикаси Ирригация ва дренаж миллий қўмитаси аъзолари ўртасида келишмовчилик бўлганда раис пайдо бўлган келишмовчилик тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот берган ҳолда ўз қарорини ҳаётга татбиқ қилади, Ўзбекистон Республикаси Ирригация ва дренаж миллий қўмитаси аъзолари эса, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ўз мулоҳазаларини ёзма равишда тақдим этишлари мумкин.

IV. Ўзбекистон Республикаси Ирригация ва дренаж миллий қўмитаси фаолиятини молиялаштириш ва ҳисобот бериш

19. Ўзбекистон Республикаси Ирригация ва дренаж миллий қўмитаси ишчи гуруҳи фаолиятини молиялаштириш, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Ирригация ва дренаж миллий қўмитаси томонидан Ирригация ва дренаж халқаро комиссиясига ҳар йилги аъзолик бадалларини тўлаш бюджет маблағлари ҳисобига, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг умумий сметаси доирасида амалга оширилади.

20. Ўзбекистон Республикаси Ирригация ва дренаж миллий қўмитаси ишчи гуруҳи харажатлар сметаси ва штатлар жадвали белгиланган тартибда тасдиқлана-

ди ва рўйхатдан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилади.

21. Ишчи президиум ҳар йилги иш режасини ишлаб чиқади ва йил мобайнида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботни тузади. Ҳисобот ва иш режаси Ўзбекистон Республикаси Ирригация ва дренаж миллий қўмитаси мажлисида кўриб чиқилгандан кейин раис томонидан тасдиқланади.

Ирригация ва дренаж халқаро комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Ирригация ва дренаж миллий қўмитасининг ҳисобот йилидаги фаолияти тўғрисида ахборот жўнатилади.

22. Ўзбекистон Республикаси Ирригация ва дренаж миллий қўмитаси фаолияти белгиланган тартибда тўхтатилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 12 декабрдаги 256-сон қарорига
З-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 28 июндаги 290-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 6-сон, 51-модда):

2-илованинг 23-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ирригация ва дренаж миллий қўмитаси»;

3 ва 3а-иловаларнинг «Вазирнинг биринчи ўринбосари — Сув хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи» блокадаги, шунингдек 5-илова 18-бандининг биринчи хатбошидаги «биринчи ўринбосари» сўзлари «Ўринбосар» сўзи билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Сув хўжалигини бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 21 июлдаги 320-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 65-модда):

2-иловадаги «Ирригация ва дренаж бўйича республика қўмитаси» сўзлари «Ирригация ва дренаж миллий қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

5-илованинг 7-бандида:

биринчи хатбошидаги «биринчи ўринбосари» сўзлари «ўринбосари» сўзи билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Ирригация ва дренаж бўйича республика қўмитаси» сўзлари «Ирригация ва дренаж миллий қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 28 июндаги 290-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2004 йил 4 июндаги 257-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 6-сон, 51-модда) иловадаги «Ирригация ва дренаж бўйича республика қўмитаси» сўзлари «Ирригация ва дренаж миллий қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**489 Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳузуридаги Идоравий метрологик назорат хизматини ташкил этиш тўғрисида**

Академик лицей ва касб-хунар коллежларига таълим жараёнида қўллаш учун келтирилган ўқув-лаборатория ва ишлаб чиқариш жиҳозларини ягона талабларга мос равишда таъминлаш, асбоб-ускуна, жиҳозлардан ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти жараёнларида самарали фойдаланиш, ўлчовларнинг ягоналиги ва аниқлиги устидан назоратни сифатли олиб бориш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг ушбу Марказ ҳузурида Идоравий метрологик назорат хизматини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қуйидагилар Идоравий метрологик назорат хизматининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

академик лицей ва касб-хунар коллежларида метрология хизматини амалга ошириш, метрологик таъминот масалаларини такомиллаштириш, ўлчовларнинг ягоналиги ва аниқлигини таъминлаш;

академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқув жараёнида қўлланиладиган назорат ва ўлчов жиҳозлари, техник воситаларнинг аҳволи, қўлланилиши устидан назоратни амалга ошириш, бунда ўқув ва ишлаб чиқариш жараёнида метрологик қоидаларга риоя этилишини ҳамда улардан ўқув устахоналари ва ўқув тажриба хўжаликларида самарали фойдаланишни назорат қилиш;

давлат таълим стандартлари доирасида касб йўналишлари бўйича қўлланиладиган намунавий асбоб-ускуна ва жиҳозлар рўйхатини ишлаб чиқиш ҳамда жойларда жиҳозлардан фойдаланиш мониторингини юритиш;

ўқув ишлаб чиқариш устахоналари, лабораториялар ва ўқув тажриба хўжаликларида асбоб-ускуналар, жиҳозларнинг ҳолати, сақланиши, шунингдек, улардан унумли фойдаланиш масалалари юзасидан илмий-назарий ва амалий семинарлар ташкил этиш, таълим соҳасидаги илғор тажриба, ютуқлар ва янги технологияларни оммалаштириш ва таълим муассасаларига жорий этиш;

ўқув амалиёти даврида давлат стандартлари талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этишни назорат қилиш;

ўқув тажриба хўжаликларида қишлоқ хўжалиги техникалари ва бириктирилган ерлардан оқилона ҳамда унумли фойдаланиш, қишлоқ хўжалик экинлари ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирларини белгилаш ва уларни амалга оширилишини таъминлаш.

3. Идоравий метрологик назорат хизмати ходимларининг чекланган умумий сони 18 та, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 16 та штат бирлигидан иборат тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази бир ой муддатда:

«Ўзстандарт» агентлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Академик лицей ва касб-хунар коллежларида метрологик таъминот тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

Идоравий метрологик назорат хизмати тўғрисидаги низомни тасдиқласин ҳамда

ушбу Хизматни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Идоравий метрологик назорат хизматини:

Давлат бюджетининг маориф соҳаси харажатлари доирасида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш харажатлари ҳисобидан Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази орқали молиялаштиришни йўлга қўйсин;

жорий йилдаги сақлаш харажатлари учун қўшимча талаб этиладиган маблағларни 2006 йил учун тасдиқланган Давлат бюджети параметрларида Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказига Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш тадбирларига ажратилган маблағлар доирасида қопласин, келгуси йиллардаги сарф-харажатларини ҳам мазкур тадбирлар доирасида амалга оширилишини назарда тутсин.

6. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Идоравий метрологик назорат хизматини Тошкент шаҳар, ТТЗ-1 мавзеси, 47-уйга жойлаштиради.

7. Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази Мирзо Улуғбек саноат касб-хунар коллежи қошидаги Маҳкамавий метрологик хизматини белгиланган тартибда тугатилишини таъминласин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 20 июлдаги 342-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ., 2004 й., 7-сон, 70-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

а) 1-илова «Идоравий метрологик назорат хизмати» устуни билан тўлдирилсин;

б) 2-илова Марказ директорида бўйсинувчи «Идоравий метрологик назорат хизмати» устуни билан тўлдирилсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.


Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 14 декабрь,
259-сон

+

Вазирлар Маҳкамасининг
2006 йил 14 декабридаги 259-сон қарорига
ЙЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус,
касб-ҳунар таълими маркази ҳузуридаги Идоравий метрологик назорат
хизматининг тузилмаси**



Ходимларнинг умумий чекланган сони — 18 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари 16 киши

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ MOЛИЯ BAZИPЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ MAPKAZИЙ BАНК БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

490 Самарқанд вилояти маҳаллий бюджетининг ғазна ижроси ҳисоби ҳақидаги Вақтинчалик қоидаларни тасдиқлаш тўғрисидаги қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
25 ноябрда 1599-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 5 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бюджети ғазначилик ижроси тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги ПҚ-244-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 52-сон, 386-модда) 18-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банк Бошқарувининг 2006 йил 12 июлдаги 61 ва 279-сонли «Самарқанд вилояти маҳаллий бюджетининг ғазна ижроси ҳисоби тўғрисидаги Вақтинчалик қоидаларни тасдиқлаш ҳақида» қарорига (2006 йил 24 июль, рўйхат рақами 1599 — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 30-сон, 296-модда) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 14 ноябрь,
97-сон

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 14 ноябрь,
279-В-1-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНК БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

491 Муддатида тўланмаган солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловларни қарздор корхона ва ташкилотлар мол-мулки ҳисобидан ундириб олиш тўғрисидаги хўжалик судлари қарорларини ижро этиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақидаги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
28 ноябрда 1250-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 8 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги ПҚ-458-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий хўжалик суди, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий хўжалик суди, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк Бошқарувининг «Муддатида тўланмаган солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловларни қарздор корхона ва ташкилотлар мол-мулки ҳисобидан ундириб олиш тўғрисидаги хўжалик судлари қарорларини ижро этиш тўғрисидаги Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 2003 йил 12 июндаги 05-20-247, 01-226, 71, 01 ва 230-В-сонли қарорига (2003 йил 12 июнь, рўйхат рақами 1250) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Адлия вазири Б. МУСТАФОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 28 ноябрь,
31-сон

Олий хўжалик суди раиси А. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 28 ноябрь,
СП-01/755-сон

Молия вазири Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 28 ноябрь,
98-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 28 ноябрь,
2006-50-сон

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 28 ноябрь,
230-В-1-сон

Адлия вазирлиги, Олий ҳўжалик суди,
Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси,
Марказий банк Бошқарувининг 2006 йил
28 ноябрдаги 31, СП-01/755, 98, 2006-50,
230-В-1-сонли қарорига
ИЛОВА

**Муддатида тўланмаган солиқлар ва бюджетга мажбурий
тўловларни қарздор корхона ва ташкилотлар мол-мулки
ҳисобидан ундириб олиш тўғрисидаги ҳўжалик судлари
қарорларини ижро этиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш
ҳақидаги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

1. «Муддатида тўланмаган солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловларни қарздор корхона ва ташкилотлар мол-мулки ҳисобидан ундириб олиш тўғрисидаги ҳўжалик судлари қарорларини ижро этиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарорда:

а) муқаддимадаги «2003 йил 21 январдаги «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни ҳисобга олиш, баҳолаш ва сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 36-сонли» деган сўзлар «2004 йил 25 мартдаги «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 140-сонли» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 3-банддаги «бўлимлари» деган сўз «бошқармалари» деган сўз билан алмаштирилсин;

в) 2-банддаги «бўлинмалари» деган сўз «бўлимлари» деган сўз билан алмаштирилсин.

2. «Муддатида тўланмаган солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловларни қарздор корхона ва ташкилотлар мол-мулки ҳисобидан ундириб олиш тўғрисидаги ҳўжалик судлари қарорларини ижро этиш тўғрисида»ги Йўриқномада:

а) муқаддимадаги «2003 йил 21 январдаги «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни ҳисобга олиш, баҳолаш ва сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 36-сонли» деган сўзлар «2004 йил 25 мартдаги «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби

тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 140-сонли» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 21-бандда «бўлимлари» деган сўз «бошқармалари» деган сўз билан алмаштирилсин;

в) 8, 11, 13, 18-бандларда «бўлинмасига» деган сўз «бўлимига» деган сўз билан алмаштирилсин;

г) 9, 12-бандларда «бўлинмаси» деган сўз «бўлими» деган сўз билан алмаштирилсин;

д) 20-бандда «бўлинмалари» деган сўз «бўлимлари» деган сўз билан алмаштирилсин.

3. Йўриқномага иловада:

а) «бўлими» деган сўз «бошқармаси» деган сўз билан алмаштирилсин;

б) «бўлинмаси» деган сўз «бўлими» деган сўз билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

492 Баҳоловчиларни танлаш бўйича танлов ўтказиш ва ижро ҳаракатларини амалга оширишда суд ижрочилари томонидан хатланган мол-мулкни баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
28 ноябрда 1643-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 8 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–458-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Адлия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Баҳоловчиларни танлаш бўйича танлов ўтказиш ва ижро ҳаракатларини амалга оширишда суд ижрочилари томонидан хатланган мол-мулкни баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан кейин ўн кун ўтгач кучга киради.

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Давлат мулки қўмитаси раиси Д. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 28 ноябрь,
01/19-40-сон

Адлия вазири Б. МУСТАФОЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 28 ноябрь,
05-20-427-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

493 Алкоголли маҳсулотлар қўйиш линияларини ҳисоб-
га олиш ва фойдаланишнинг ягона реестрини юри-
тиш бўйича низомни тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
30 ноябрда 1644-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 10 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-505-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. «Алкоголли маҳсулотлар қўйиш линияларини ҳисобга олиш ва фойдаланишнинг ягона реестрини юритиш бўйича низом» иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтандан кейин кучга киради.

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2006 йил 27 ноябрь,
2006-51-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЕМИР ЙЎЛЛАРДА ЮК ВА ЙЎЛОВЧИЛАР
ТАШИШ ХАВФСИЗЛИГИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ
ИНСПЕКЦИЯСИНИНГ
БҮЙРУҒИ

494 **Вазирликлар, идоралар, муассасалар, корхоналар ва ташкилотларда темир йўл транспорти соҳасида фаолият олиб борувчи ходимларнинг темир йўллардан техник фойдаланиш қоидалари ҳамда йўриқномаларни билишини комиссия тузиб текширишни амалга ошириш бўйича низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
30 ноябрда 1645-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 10 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш Давлат инспекцияси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2004 йил 2 мартдан 101-сон қарорининг 1-бандига асосан **буюраман:**

1. Илова* қилинаётган «Вазирликлар, идоралар, муассасалар, корхоналар ва ташкилотларда темир йўл транспорти соҳасида фаолият олиб борувчи ходимларнинг техник фойдаланиш қоидалари ҳамда йўриқномаларни билишини комиссия тузиб текширишни амалга ошириш бўйича низом» тасдиқлансин.

2. Ушбу буйруқ Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин ўн кун ўтгач кучга киритилсин.

3. «Ўздавтемирийўлназорат» инспекцияси бошлигининг «Корхона ва ташкилотларнинг ўз фаолиятини темир йўл транспорти соҳасида амалга оширувчи ходимларнинг техник фойдаланиш қоидалари, йўриқномалар талабларини билишини комиссия тузиб текшириш тўғрисидаги» 2004 йил 10 июндаги ГИ 1/6-7-9-сон кўрсатмаси, ушбу буйруқ кучга киргач ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

«Ўздавтемирийўлназорат» инспекцияси бошлиғи Б. ЮСУПОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 30 октябрь,
51-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ХУЗУРИДАГИ
ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ
ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

495 Депозитар ҳисоб ва ҳисоботнинг ягона қоидалари (стандартлари)га ўзгартириш ва қўшимчалар кири- тиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
6 декабрда 844-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 16 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисидаги низомга асосан **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан тасдиқланган Депозитар ҳисоб ва ҳисоботнинг ягона қоидалари (стандартлари)га (1999 йил 1 декабрь, рўйхат рақами 844) ўзгартириш ва қўшимчалар иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхати-га олинган кундан ўн кун ўтгач амалга киритилсин.

Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директори К. ТОЛИПОВ

Тошкент ш.,
2006 йил 27 октябрь,
2006-11

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ НАЗОРАТ
ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ
БУЙРУҒИ

496 Ўзбекистон Республикаси фуқаролик авиациясининг авиация ходимларини тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомга (ЎзР АҚ 67) ўзгартириш ва қўшимча- лар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
6 декабрда 1186-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 16 декабрдан кучга киради)

Фуқаролик авиацияси халқаро ташкилоти (ИКАО) талабларини жорий қилиш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Дававианазорати бошлигининг 2002 йил 4 октябрдаги 128-сонли буйруғи билан тасдиқланган (2002 йил 2 ноябрь, рўйхат рақами 1186 — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 48-49-сон, 498-б.) Ўзбекистон Республикаси фуқаролик авиациясининг авиация ходимларини тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомга иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан ўн кун муддат ўтгандан кейин амалга киритилсин.

**Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси
бошлиғи Х. ТРОБОВ**

Тошкент ш.,
2006 йил 27 октябрь,
118-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ MАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ**497** Тижорат банклари томонидан банк карточкалари чиқариш ва уларни Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил
13 декабрда 1344-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2006 йил 23 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида» Қонунининг 7, 17 ва 51-моддаларига асосан Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Тижорат банклари томонидан банк карточкалари чиқариш ва уларни Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиш тартиби тўғрисидаги низомга (2004 йил 30 апрель, рўйхат рақами 1344-сон — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2004 йил, май, 3-сон) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

— **Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ** +

Тошкент ш.,
2006 йил 17 ноябрь,
28/5-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2006 йил 25 ноябрдан 15 декабргача бўлган маълумот

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Самарқанд вилояти маҳаллий бюджетининг ғазна ижроси ҳисоби тўғрисидаги Вақтинчалик қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2006 йил 14 ноябрдаги 97, 279-В-1-сон қарори.*

2006 йил 25 ноябрда 1599-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 05 декабрдан кучга киради).

2. «Муддатида тўланмаган солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловларни қарздор корхона ва ташкилотлар мол-мулки ҳисобидан ундириб олиш тўғрисидаги хўжалик судлари қарорларини ижро этиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақидаги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий Хўжалик суди, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк Бошқарувининг 2006 йил 28 ноябрдаги 31, СП-01/755, 98, 2006-50, 230-В-1 -сон қарори.*

2006 йил 28 ноябрда 1250-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 08 декабрдан кучга киради).

3. «Баҳоловчиларни танлаш бўйича танлов ўтказиш ва ижро ҳаракатларини амалга оширишда суд ижрочилари томонидан хатланган мол-мулкни баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси, Адлия вазирлигининг 2006 йил 28 ноябрдаги 01/19-40, 05-20-247-сонли қарори.*

2006 йил 28 ноябрда 1643-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 08 декабрдан кучга киради).

4. «Алкоголли маҳсулотлар қуйиш линияларини ҳисобга олиш ва фойдаланишнинг ягона реестрини юритиш бўйича низомни тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2006 йил 27 ноябрдаги 2006-51-сон қарори.*

2006 йил 30 ноябрда 1644-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 10 декабрдан кучга киради).

5. «Вазирликлар, идоралар, муассасалар, корхоналар ва ташкилотларда темир йўл транспорти соҳасида фаолият олиб боровчи ходимларнинг темир йўллардан техник фойдаланиш қоидалари ҳамда йўриқномаларни билишини комиссия тузиб текширишни амалга ошириш бўйича низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2006 йил 30 октябрдаги 51-сон буйруғи*

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й.

2006 йил 30 ноябрда 1645-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 10 декабрдан кучга киради).

6. «Депозитар ҳисоб ва ҳисоботнинг ягона қоидалари (стандартлари)га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2006 йил 27 октябрдаги 2006-11-сон буйруғи.*

2006 йил 6 декабрда 844-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 16 декабрдан кучга киради).

7. «Ўзбекистон Республикаси фуқаролик авиациясининг авиация ходимларини тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомга (ЎзР АҚ 67) ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2006 йил 27 октябрдаги 118-сон буйруғи.*

2006 йил 6 декабрда 1186-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 16 декабрдан кучга киради).

8. «Тижорат банклари томонидан банк карточкалари чиқариш ва уларни Ўзбекистон Республикасида муомалада бўлиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 17 ноябрдаги 28/5-сон қарори.*

2006 йил 13 декабрда 1344-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2006 йил 23 декабрдан кучга киради).

Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказишнинг белгиланган тартибига зид равишда амал қилаётган меъёрий ҳужжат аниқланди:

1. *Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Ўзбекистон Республикасида буйрак трансплантацияси хизматини ривожлантириш ҳақида» 2003 йил 17 июндаги 289-сон буйруғи.*

Давлат рўйхатидан ўтказилмаган меъёрий ҳужжатлар кучга кирмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди ҳамда тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, корхона ва ташкилотларга бирор-бир жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Юқорида кўрсатилган меъёрий ҳужжат бўйича Адлия вазирлиги томонидан тегишли идорага ушбу ҳужжатни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида тақдимнома киритилди.